# К А Р О Р

**Жиноят ишини бир кисмини маъмурий тартибда чора куришлик учун ажратиш хакида.**

2003 йил "30" октябр.                                        Олтиарик тумани.

Олтиарик тумани ИИБ ТБ терговчиси милиция капитани Лутфуллаев У.К. иш юритувимда булган 20330118-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чикиб куйидагиларни ;

## А Н И К Л А Д И М :

2003-йил 20-август куни соат 11-00 лар чамасида, Олтиарик туман прокуратураси биноси рупарасида, фукаро Отакулова Мавжуда, Тожибоева Муътабархон, Рузиева Юлдузхон ва Хазраткулов Адхамжонлар конунда курсатилган тартибда тегишли идоралардан рухсатнома олмасдан, рухсат этилмаган норозилик намойиши ташкил килишиб, намойишга чикишиб, Олтиарик туман хукукни мухофаза килувчи идора ва туман хокимлиги рахбарларини кушмачи ва фохишаларни куллаб кувватлашаётганликларида, уларга карши чора куришмаётганликларида айблаб, бу идора рахбарларини ишдан бушатилишларини талаб килишиб, шу мазмундаги плакатларни кутариб намойишга чикишади.

[illegible] билан, шунингдек шу вактда туман прокуратураси биноси [illegible] булган, Мустакиллик кучасида, Узбекистон Республикаси мустакиллигининг 12-йиллиги шарафига ташкил килинган ёшлар уртаси югуриш буйича спартакиядасига келган, фукароларни бир кисми, туман прокуратураси рупарасига тупланадилар. Намойиш вактида М. Отакулова М. Тожибоева ушбу ерда турган фукароларга караб "фохиша ва кушмачиларни осиш керак" ва шу каби мазмундаги чакирикларидан сунг у ерда булган Машрапова Махпуза, Какмова Кумушхон, Какмова Кумрихон, Ибрагимова Тухтахон, Гиёсидинова Муяссар ва Холматова Мавлудалар уларни талаблари ва харакатларига карши чикишиб, улар билан узаро жанжаллашиб кетишади, бунинг натижасида фукаролар Машрапова Махпуза, Какмова Кумушхон, Какмова Кумрихон, Ибрагимова Тухтахон, Гиёсидинова Муяссар ва Холматова Мавлудалар, намойиш утказаётган М. Тожибоева ва М. Отакуловаларни касддан, уриб-дупποслашиб, уларга тан-жарохати етказадилар.

2003 йил 22-август куни соат 16-00 ларда, Олтиарик тумани ИИБ ХООБ профилактика инспекторлари Махмудов Шерали ва Тошболтаев Косимжонлар, Маргилон шахар марказий шифохонаси жаррохлик булимига ётказилган фукаро Мутабар Тожибоева ётган палатага киришиб, ундан уша куни Олтиарик туман прокуратура биноси рупарасида булган вокеа хакида тушунтириш хати олишларини айтишганда, М. Тожибоева Махмудов Ш. ва Тошболтаев К.ларга тушунтириш хати беришдан бош тортиб, уларни шаъни ва кадр кимматини касддан камситиб, хеч кандай сабабсиз хакорат килади ва Ш. Махмудов билан К. Тошболтаевлар бу хакда тегишли далолатнома тузишади.

2003 йил 23-август куни соат 12-30 ларда, Фаргона вилояти Суд тиббий экспертиза бюросининг эксперти Толипов Тохиржон, фукаро Мутабар Тожибоевани эксперт куригидан утказиш учун у даволанаётган, Маргилон шахар марказий шифохонаси, жаррохлик булимидари палатасига, Олтиарик тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори Абдуванноп Давронов билан бирга бориб унга узини таништириб, уни эксперт курувидан утказишни айтганда, М. Тожибоева Т. Толиповни шани ва кадр кимматини касддан камситиб, хеч кандай сабабсиз уни хакорат килади ва Толипов Т. унга уни хакорат килмастлигини айтганда у яна Т. Толиповни хакорат килади ва эксперт Т. Толипов у ердан чикиб кетади.

Фаргона вилояти Суд тиббий экспертиза бюросининг 2003 йил 28-август кунги 1048-сонли хулосасига кура фукаро Тожибоева М.ни буйин сохасида шилинмаси, иккала сон ва унг елка, унг кул билак, унг курак сохаларидаги конталашлари ва юмшок тукималарини лат еганлиги, бошини юмшок тукималарини лат еганлиги, шишганлиги, конталаши, иккала билак кул сохаларидаги тирналмалар аникланганлиги, ушбу тан-жарохатининг огирлик даражаси, 6-кундан куп булган муддат ичида тез утиб кетадиган "Енгил шикастлар тоифасига киришлиги" курсатиб утилган.

Фаргона вилояти Суд тиббий экспертиза бюросининг 2003 йил 30-август кунги 2219-сонли хулосасига кура фукоро Отакулова М.да иккала чакка сохаларида юмшок тукималарини лат ейиши, чап болдир кафт бугими сохасида шилинма, чап тизза бугими, ва унг елка сохаларида

конталашлар аникланганлиги, ушбу тан-жарохатининг огирлик даражаси, 6-кундан куп булган муддат ичида тез утиб кетадиган "Енгил шикастлар тоифасига киришлиги" курсатиб утилган.

Ушбу жиноят иши буйича гувох тарикасида сурок килинган Давронов Абдубанноп уз кургазмасида, хакикатан хам 2003 йил 23-август куни соат 12-30 да Фаргона вилояти Суд тиббий экспертиза бюроси эксперти Толипов Тохиржон билан бирга жабрланувчи М.Тожибоевани эксперт курувидан утказиш учун Маргилон шахар марказий шифохонаси жаррохлик булимига у ётган палатага киришганлиги ва Т.Толиповни СТЭ бюросиданлигини тушунтириб уни эксперт курувидан утиши айтилганда М.Тожибоева Т.Толиповни бекордан бекор хакоратомус сузлар билан хакорат килиб "харомхур, сен экспертлар ва ИИБ ходимлари порахур, сенларга хеч каеримни курсатмайман" деб узининг гапларини экспертиза тайинлаш хакида Карор оркасига ёзиб берганлигини шундан сунг улар ушбу палатадан чикиб кетишганлигини маълум килди.

Ушбу жиноят иши буйича гувох тарикасида сурок килинган Толипов Тойир уз кургазмасида, хакикатан хам 2003 йил 23-август куни соат 12-30 да Олтиарик тумани ИИБ томонидан М.Тожибоевага нисбатан тайинланган экспертиза карорига асосан, Олтиарик тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори А.Давронов билан бирга Маргилон шахар марказий шифохонаси жаррохлик булимида ётган М.Тожибоева ётган палатага киришганлиги ва Т.Толипов узи СТЭ бюросиданлигини тушунтириб уни эксперт курувидан утказиши хакида айтганда М.Тожибоева уни хеч кандай [illegible] билан хакорат килиб "харомхур, сен экспертлар ва ИИБ ходимлари порахур, сенларга хеч каеримни курсатмайман" деб, узининг гапларини экспертиза тайинлаш хакида Карор оркасига ёзиб берганлигини шундан сунг улар ушбу палатадан чикиб кетишганлигини маълум килди.

Ушбу жиноят иши буйича Мутабар Тожибоевани жабрланувчи тарикасида сурок килиш учун Олтиарик тумани ИИБ ТБ сига бир неча маротаба чакирилганд, у терговга келиб кургазма беришдан бош тортди ва бу холат тегишли баённомада кайд килинди.

Олтиарик туман хокимлигининг 2003 йил 11-сентябр кунги 571-сонли жавоб хатига асосан, фукаро Мавжуда Отакулова ва Мутабар Тожибоевалар 2003 йил 20-август куни Олтиарик туман прокуратураси идораси рупарасида намойиш утказиш хакида рухсат сураб мурожат килишмаганлигини маълум килишган.

Юкоридагилардан куриниб турибди фукаро Мутабар Тожибоева узининг юкоридаги харакатлари билан, яъни Т.Толиповни, Тошболтаев К. ва Давронов А.ларни шаъни ва кадр кимматини касдан камситиб, хеч кандай сабабсиз хакорат килиб, Узбекистон Республикаси МЖТК нг 41-моддасида курсатилган ва фукаро М.Отакулова билан биргаликда намойиш утказиш тартибини бузиб, тегишли идорадан намойиш утказиш учун рухсат олмасдан, Узбекистон Республикаси МЖТК нг 201-моддаси 1-кисмида курсатилган маъмурий хукукбузарликларни содир этишган, шунинг учун жиноят иши ичидан, ушбу холат буйича таълукли кисми ажратилиб фукаро Отакулова М. ва Тожибоева М.ларга нисбатан маъмурий тартибда чора куришлик учун Олтиарик тумани ИИБ оркали тегишли судлов органига юбориш лозим.

Юкоридагиларга кура ва Узбекистон Республикаси ЖПК нг 83-моддаси 2-кисми ва 333-моддаларини куллаб, -

## К А Р О Р   К И Л Д И М

1. Ушбу жиноят иши буйича фукаро Мутабар Тожибоеванинг харакатларида Узбекистон Республикаси МЖТК нг 41-моддаси ва 201-моддаси 1-кисмида курсатилган маъмурий хукукбузарлик аломатлари борлигини ва фукаро Мавжуда Отакулованинг харакатларида Узбекистон Республикаси МЖТК нг 201-моддаси 1-кисмида курсатилган маъмурий хукукбузарлик аломатлари борлигини инобатга олиб, жиноят иши ичидан ушбу холат буйича таълукли кисми ажратилиб, Олтиарик тумани ИИБ мига тегишли судлов органига юбориш учун юборилсин.

2. Кабул килинган ушбу карор хакида манфатдор томонларга маълум килинсин.

3. Ушбу карор нусхаси маълумот учун туман прокуратурасига берилсин.

Олтиарик туман ИИБ ИТБ терговчиси
милиция капитани: [signature] Лутфуллаев Ш. И.